




2022 март

**Аҳолининг даромадлар
кесимида инфляция даражаси
ва сезилган инфляция**




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2022 йил

I. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси


2022 йилнинг март ойида ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан сезилган инфляция февраль ойидаги кўрсаткичга нисбатан **2,6 фоиз бандга** юқорилаб, **15,7 фоизни** ташкил этган бўлса, жавобларнинг медиана¹ қиймати **13 фоиз** атрофида шаклланди (1-расм).

1-расм. Аҳоли томонидан сезилган инфляция динамикаси (фоизда)



Шу билан бирга, умумий жавоб берувчилар таркибида сезилган инфляцияни **9-12 фоиз** атрофида хис қилган респондентлар сони кўпчиликни ташкил қилган бўлсада, нархлар ўсишини юқори бўлганлигини қайд этганлар сонида ҳам ошиш кузатилди. Жавобларнинг мода кўрсаткичи² **12,5 фоизгача** кўтарилди (2-расм).

2-расм. Сезилган инфляция бўйича аҳоли жавобларининг тақсимоти (респондентларнинг сони)




¹ **Медиана қиймати** – ўтган 12 ойда инфляция бўйича жавоблар вариацион қаторини тенг иккига бўлувчи қиймати.

² **Мода қиймати** – ўтган 12 ойда инфляция даражаси бўйича респондентлар томонидан энг кўп белгиланган жавоблар қиймати.

Респондентларнинг кўпчилик қисми март ойида **шакар ва қандолат** маҳсулотлари, **ёғ** ҳамда **гўшт** ва **сут** маҳсулотлари қимматлаганини сезишган бўлса, **дуккакли маҳсулотлар**, **тиббий хизматлар** ҳамда **ичимликлар** нархлари ўсиши камроқ сезилган (3-расм).

3-расм. Нархлари юқори ўсганлиги қайд этилган жавоблар (умумий жавобларга нисбатан, фоизда)



Фаолият соҳалари бўйича **тиббиёт**, **савдо**, **қурилиш** ҳамда **давлат ташкилотида** фаолият юритаётган респондентлар томонидан сезилган инфляция даражаси бошқа соҳа вакилларига нисбатан юқорироқ шаклланди.

Айни пайтда, **қишлоқ хўжалиги** ва **умумий овқатланиш** соҳасида сезилган инфляция умумий кўрсаткичдан пастроқ бўлди (4-расм.).

4-расм. Соҳалар ва ҳудудлар кесимида сезилган инфляция (фоизда)



Ҳудудлар кесимида

| Аҳоли | |
|-------------------|-------------|
| Сирдарё вил. | 16.9 |
| Самарқанд вил. | 16.7 |
| Фарғона вил. | 16.7 |
| Тошкент вил. | 16.5 |
| Бухоро вил. | 16.1 |
| Андижон вил. | 16.0 |
| Тошкент ш. | 15.9 |
| Хоразм вил. | 15.9 |
| Жиззах вил. | 15.8 |
| Республика | 15.7 |
| Наманган вил. | 15.7 |
| Қашқадарё вил. | 14.7 |
| Навоий вил. | 14.4 |
| Сурхондарё вил. | 14.1 |
| Қорақалпоғистон | 13.5 |


Сезилган инфляциянинг нисбатан юқори кўрсаткичлари **Сирдарё**, **Самарқанд** ҳамда **Фарғона** вилоятларида кузатилган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар **Сурхондарё** вилояти ва **Қорақалпоғистон Республикаси**да қайд этилди.

II. Даромадлари кесимида инфляция динамикаси

Марказий банк томонидан уй хўжалиklarининг даромадлари даражаси бўйича **инфляциянинг таъсири** ўрганилди. Бунда, Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида аҳолининг даромадлари кесимида энг кўп истеъмол қилинган товарлар нархлари ўзгариши йиғиндиси асосида гуруҳлар инфляция даражаси ҳисоблаб чиқилди.

2022 йилнинг март ойи якунлари бўйича йиллик инфляция даражаси **10,5 фоизни**, озиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси эса **14,5 фоизни** ташкил этган бўлиб, бунда, истеъмол товарлари нархларининг ўзгариши аҳолининг турли даромадли гуруҳларига турлича қийматга эга бўлди.

5 - расм. Даромадлар кесимида йиллик инфляция динамикаси (йиллик фоизда)




Март ойида январь ойига нисбатан озиқ-овқат инфляциянинг йиллик ҳисобда 13,1 фоиздан 14,5 фоизгача тезлашгани (**1,4 ф.б.**) жон бошига **2 млн. сўмгача** ва **2-4 млн. сўм** даромадга эга уй хўжалиklари гуруҳларига кўпроқ таъсир кўрсатди. Бунда ушбу гуруҳларнинг озиқ-овқат инфляцияси мос равишда **15,7** ва **12 фоизгача** кўтарилди.

Юқори даромадли (**5 млн. сўмдан ортиқ**) гуруҳнинг озиқ-овқат инфляцияси эса **8,6 фоизга** тенг бўлди (5-расм.).

Бу, ўз навбатида, нисбатан кам даромадли аҳоли харажатлари таркибида нархлари юқори ўсган (**озиқ-овқат**) маҳсулотлар улушининг катталиги, улар томонидан нархлар ўсишини кўпроқ сезилишига сабаб бўлмоқда.


Шу билан биргаликда, Марказий банк томонидан 2021 йилдан бошлаб аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган ва яшаш учун зарурий ҳисобланаган озиқ-овқат маҳсулотларнинг – **ИЖТИМОЙ ТОВАРЛАРНИНГ**³ нархлари ўзгаришини таҳлил қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

6-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



Хусусан, март ойида ижтимоий товарлар нархлари ўсиши **15,5 фоизгача** тезлашди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, январь ойида ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция ўртасидаги фарқ ўтган ойларга нисбатан **3,6 фоиз бандгача** қисқарган бўлса, март ойига келиб, ушбу фарқ **5 фоиз бандгача** кенгайди.

7-расм. Ижтимоий товарлар нархлари ўсиши ва умумий инфляция (фоизда)



³ Ижтимоий товарлар: Мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, тухум, картошка, пиёз, сабзи, олма, гуруч, биринчи навли буғдой уни, обинон, ўсимлик ёғлари ва шакар (умумий инфляция таркибидаги вазни - 15,4 фоиз).